2 (436)
2005 йил 12 январь
Чоршанба

ҲАР КИМ САВОБ ИШ ҚИЛСИН, ҲАР КУН САВОБ ИШ ҚИЛСИН!

Mahalla

Газета 1996 йил январь ойидан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармасининг нашри

Чоршанба кунлари чиқади

2
▶ Ватан ҳимоячилари — алп ўғлонлар
▶ Чимёндан чиққан ташаббус

3
▶ Мозортолдаги мактаб битармикан?
▶ Жой талашган жон-жигарлар...

4
▶ Яхшиликка ярамаган яқинлар
▶ "Жисминг руҳингнинг қабрига айланмасин!"

ШАХМАТ

ҚОСИМЖОНОВ ВА КАСПАРОВ «ЛИНАРЕС-2005»ДА ЎЙНАЙДИ

Халқаро шахмат федерацияси — ФИДЕ йўналиши бўйича амалдаги жаҳон чемпиони — ўзбекистонлик Рустам Қосимжонов ҳамда россиялик Гарри Каспаров ўртасида жаҳоннинг мутлақ чемпионлиги учун ўтказиладиган учрашув спорт оламининг энг муҳим воқеаларидан ҳисобланади.

Гарчи 2004 йилнинг якунида ФИДЕ раҳбари Кирсан Илюмжинов мазкур учрашув жорий йилнинг январь ойида Бирлашган Араб Амирликларининг Дубай шаҳрида ташкил этилишини маълум қилган бўлса-да, турли сабабларга кўра, дунёнинг энг зўр шахматчилари баҳси ўтказилмай қолди. Айни пайтда ҳам мазкур муҳим мусобақа қачон ва қаерда ташкил этилиши аниқ эмас.

Аммо, Испания мезбонлик қиладиган «Линарес—2005» анъанавий супертурнирида Рустам Қосимжонов жаҳон рейтингида биринчи ўринни эгаллаб турган Гарри Каспаров билан икки партия ўйинда дона суради.

Ушбу турнирнинг нуфузини шундан ҳам билиш мумкинки, Линарес шаҳрига дунёнинг энг кучли халқаро гроссмейстерлари ташриф буюради. Жорий йилнинг 23 февраль куни бошланадиган супертурнирга Рустам Қосимжонов ҳамда Гарри Каспаровдан ташқари Вишванатан Ананд (Ҳиндистон), Веселин Топалов (Болгария), Петер Леко (Венгрия), Майкл Адамс (Англия) ва Франсиско Вальехо (Испания) сингари етакчи шахматчилар таклиф этилган.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,
ЎзА шарҳловчиси

14 январь — Ватан ҳимоячилари куни

ЭПЛИ ЎҒЛОНЛАРИМ — ПОСБОНИМ МЕНИНГ!

Онани Ватанга, Ватанни Онага қиёслаймиз. Дарҳақиқат, ўзини билган, ўзлигини англаб етган инсон учун ҳар иккисидан муқаддасроқ нима бор бу дунёда инсон боласи учун? Волидаси дийдорига тўйиб, Ватанда яйраб яшашдан ортиқ ҳам бахт борми оламда!

Аслида Ватанга садоқат ҳисси оналаримизнинг оқ сути билан сингмаганмикин вужудимизга, руҳимизга. Мурғак вужуддан алп қомат паҳлавонларни ўстириб, уни Ватан ҳимоясига, демакки, муқаддас хизматига руҳлантиргувчилар ҳам энг аввало оналар эмасми? Шубҳасиз, шундай. Она борки, ўз жигаргўшасини қошидан бир қадам жилдиргиси келмайди. Аммо Ватан ҳимоясига отланган ўғлонидан жасорату мардлик кутади. Чунки муштипар она англайдики, унинг ўғлони нафақат Ватан сарҳадларини, балки Ватандаги миллионлаб инсонлар тинчлиги-хотиржамлигини балолардан асрамоқда. Бас шундай экан, Ватан ҳимоясига ярайдиган ўғлонларни дунёга келтирган, уларга оқ сут берган оналарга, вужудларида жасорат ва матонат, Ватанга ва элдошларига меҳр қондек оқаётган мардонавор аскарларга шон-шарафлар бўлсин!

2-саҳифада ⇨

Р.ГАЛИЕВ олган сурат.

Қорақалпоғистон Республикаси

Ишга тушиш арафасида...

Ҳа, Устюрт гиганти — Қўнғирот сода заводини қуриш поёнига етаяпти. Шу муносабат билан кенг саҳро қўйнида жойлашган мазкур катта корхона атрофида 5 минг аҳоли истиқомат қилишига мўлжалланган Элобод шаҳарчаси қад ростлади.

УСТЮРТ ГИГАНТИ

Унинг ишга тушиши билан Элободда ҳам ҳаёт бошланади

Бундан ўн йил олдин Қўнғиротдан 40 километр узоқликдаги Устюртнинг Кийиксой мавзесида Марказий Осиёдаги ягона сода заводи пойдеворига дастлабки ғишт қўйилган эди. Шундайгина "Қўнғирот—Бейнеу" асфальт йўли бўйида жойлашган Устюрт гигантини бунёд этишга деярли бутун мамлакат қурилиш ташкилотлари вакиллари жалб этилди. Корхонани қуриш учун худди шу ер танланиши бежиз эмас. Чунки шундайгина 7 километр узоқликда "Қораумбет", сал нарирокда 16 миллиард тонна заҳирага эга бўлган машҳур "Борса келмас" туз конлари жойлашган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 14 майдаги "Қўнғирот сода заводи қурилишини якунлаш тўғрисида"ги Қароридан сўнг қурилиш-монтаж ишлари ғоят жадаллашди. Ўтган қисқа муддатда бу ерда 30 миллиард сўмлик мураккаб юмушлар бажарилди. Чунки, лойиҳага биноан ҳар йили 100 минг тонна кальцийлаштириладиган сода ишлаб чиқарадиган корхона маҳсулотларига нафақат мамлакатимиз, балки хориждаги мижозлар ҳам интиқлик билан кўз тикиб туришибди. Шуни эътиборга олиб қорақалпоғистонлик, мамлакатимиз вилоятларидан ҳамда хориждан келган жами минг нафардан ортиқ бунёдкорлар катта қўламдаги ишларни вақтида, энг муҳими сифатли қилиб ўринладилар. Жумладан, асосий ишлаб чиқарувчи технологик объектларда қурилиш-монтаж, ноёб ускуналарни ўрнатиш тугалланди. Биокарбонат, кальцинация, оҳак тайёрлаш, туз эритмасини ҳозирлаш, техникавий ва ичимлик сувини тозалаб бериш, табиий газ, электр энергияси, иссиқлик ва сув йўлларини туташтириш, металл конструкцияларни монтажлаш, пардозлаш каби юмушлар тўла-тўкис адо этилди. Бу борада М.Бойимбетов раҳбарлигидаги "Қўнғиротсодақурилиши", О.Нурумбетов бошқарган "Деҳқонсодақурилиши", шунингдек "Ўзмонтажмахсусқурилиш"нинг Фарғона, Чирчиқ, Андижон ва Урганчдан келган махсус бўлинмалари жамоалари жонбозлик кўрсатишди.

Устюрт гигантига 34,9 миллион АҚШ доллари қийматида технологик ускуналар келтирилиб ўрнатилди. Уларни монтажлаш, ишга қўшиш ва ниҳоят тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга тахт қилиш билан боғлиқ ишларда Хитой Халқ Республикасидан келган 150 нафар юқори малакали ишчи ва мутахассисларнинг самарали меҳнати таҳсинга лойиқ бўлмоқда.

Яна бир гап. Устюртнинг мураккаб, шароитида ишлаётганларга ҳавас қилса арзигулик имкониятлар яратиб берилган. Бир сўз билан айтганда мустақиллик меваси — Қўнғирот сода заводи шу йил баҳорда дастлабки маҳсулот ишлаб чиқариш арафасида.

Асилбек ИСКАНДАРОВ,
"Mahalla" мухбири.

Андижон вилояти

ҲОКИМ КУЛОЛЛАРНИ СИЙЛАДИ

— Биз эса ҳунармандчиликни янада ривожлантириб, вилоятда ишсизлик муаммосини ечишда ўз ҳиссамизни қўшамиз, — дейишди бунга жавобан уста кулоллар

Вилоят ҳокими Сайдулло Бегалиев ҳунармандчиликнинг 12 тури вакиллари билан туркум учрашувларни режалаштирган эди.

Ўтган шанба куни бўлган дастлабки учрашув миллий ҳунармандчилигимизнинг кулолчилик соҳасига бағишланди. Учрашувга вилоятда яшаб ижод қилаётган кулолчилик дарғалари, таниқли ҳунармандлар сулолалари вакиллари таклиф этилди. Улар дастлаб шу ерда ташкил этилган кулолчилик маҳсулотлари кўргазмасини томоша қилдилар.

Тадбирда Оқсоқоллар кенгаши ва "Маҳалла" жамғармаси вилоят бўлими раиси Ўктамжон Ҳайдаров вилоятда ҳунармандчиликни ривожлантириш, маҳаллаларда ҳунармандлар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни кўпайтириш, ҳунармандларга зарур шарт-шароитлар яратиш зарурлиги тўғрисида алоҳида таъкидлади. Унинг тавсиясига асосан вилоятдаги таниқли кулоллардан беш нафарига вилоят ҳокимининг юз минг сўмдан пул мукофоти топширилди.

Шундан кейин устоз кулолларнинг соҳани ривожлантириш бўйича таклиф ва мулоҳазалари тингланди. Кулолларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида вилоят Кулоллар уюшмаси тузилди, унинг раиси этиб ЮНЕСКО мукофоти совриндори Абдувоҳоб Мирзабаҳромов сайланди. Вилоят ҳокими миллий ҳунармандчиликни ривожлантириш учун юз миллион сўм миқдорида маблағ ажратишни режалаштирди.

Шунингдек, учрашувда Оқсоқоллар кенгаши ва "Маҳалла" жамғармаси вилоят бўлими қошида "Маҳалла ҳунарманди" ишлаб чиқариш комбинатини ташкил этиш тавсия қилинди.

Узоқбой САКСОНБОЕВ,
"Mahalla" мухбири.

"Mahalla" ахборотчи

Сурхондарё вилояти

"ЧАМБИЛ ЕРЁНҒОҒИ"

Унинг янги маҳсулотини яқин кунларда дўконлардан харид қилиш мумкин

"Чамбил ерёнғоғи" масъулияти чекланган жамияти CHF International ва Counterpart International халқаро ташкилотлари томонидан кўрсатилган техник қўллаб-қувватлаш ҳамда ўтказилган тренинглар натижасида Ўзбекистон жанубидаги Сурхондарё вилоятининг Қумқўрғон туманида ерёнғоқни қайта ишловчи корхона очишга муваффақ бўлди.

Корхонанинг қайта ишланган ерёнғоқ мойи яқин кунларда дўконларимизда сотувга чиқади. Ушбу иқтисодий лойиҳа Америка Қўшма Штатлари Халқаро Ривожланиш Агентлиги (USAID)нинг Маҳалла Ҳаракатини Сармоялаш Дастури томонидан қисман молиялаштирилади.

"Чамбил ерёнғоғи" масъулияти чекланган жамиятига Ўзбекистон жанубидаги ерёнғоқ ўстирувчи фермерлар томонидан ўз ҳосилларини қайта ишлаш ва сотувга чиқариш мақсадида асос солинган эди. Корхона келажакда ерёнғоқдан ишланган бошқа турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва савдога чиқариш режаларига эга.

2004 йилнинг апрелида МҲСД сурхондарёлик 22 нафар фермер ва тадбиркорлар учун уюшган ҳолда фаолиятда салоҳиятини ошириш тренингларини ўтказган эди. Ушбу тренинглардан сўнг 14 та фермер ва тадбиркорлар корхонага бирлашишди. Тренинглар ҳамда техник қўллаб-қувватлаш орқали қўлга киритилган билимлардан фойдаланган ҳолда масъулияти чекланган жамият аъзолари МҲСДга бизнес-режа тайёрлаб топширишди ва ерёнғоқни қайта ишлаш ташаббусини қисман молиялаштиришга эришишди.

Корхона биноси ва техник ускуналари жаҳон стандартларига мослаштирилган бўлиб, айни кунда 11 та ишчи ўрнига эга ва келажакда маҳсулот тури ҳамда сотув ҳажмининг ўсишига қараб қўшимча ўринлар яратади.

МУХБИРИМИЗ.

Жиззах вилояти

ЯНГИ ЙИЛДА РЕЖАЛАР ЯНГИ

Тарихга айланиб қолган йилни сарҳисоб қилиб, янги йилда қилинадиган ишларни белгилаб олишга фурсат етди. "Маҳалла" жамғармаси вилоят бўлими жамоаси ҳам бу борада ўз тадбирларини белгиламоқда.

Айтиш жоизки, ўтган йилда жамғарманинг бўлим ва бўлинмалари ташаббуси билан жойларда "Меҳр ва мурувват йили" дастури асосида кенг қўламдаги ишлар амалга оширилди. Айниқса, вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармаси, "Соғлом авлод учун" жамғармаси вилоят бўлими, вилоят хотин-қизлар қўмитаси, "Нуроний" жамғармаси билан ҳамкорликда олиб борилган ишлар самараси юқори бўлди. Хусусан, 565 нафар меҳнат ва уруш фахрийлари, хотин-қизлар тиббий кўрикдан ўтказилди. Ҳар ойда 9 нафар қариялар марказий сиҳатгоҳларга юборилди. 30 нафар ногирон аёлларнинг даволанишлари учун 425 минг сўм моддий ёрдам кўрсатилди. 210 нафар Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари, 15 нафар нуронийлар республикамизнинг тарихий жойларини зиёрат қилдилар. Ёрдамга муҳтож 278 та оиланинг уй-жойлари таъмирлаб берилди.

Жойларда оммавий спортни ривожлантиришга 250 минг сўм миқдоридаги маблағ сарфланди.

Амалга оширилган бундай хайрли ишлардан кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Энг эътиборли жиҳати ушбу эзгу тадбирларда мурувватли кишиларнинг кўмаги катта бўлди. Албатта бу каби тадбирлар янги — Сиҳат-саломатлик йилида ҳам давом эттирилади. Айни пайтда вилоятдаги маҳаллаларда иш қизғин.

Пардабой ТОЖИБОЕВ,
"Mahalla" мухбири.

Mahalla

— Яна нима дейди?
— Сайловда сиз ёқлаган номзод сайланди, — дейди.

Мурожаат ва муносабат

ЁРДАМ ЎЗ ЭГАСИНИ ТОПМАГАН ЭКАН

Таҳририятга Қашқадарё вилояти Деҳқонобод тумани Оққишлоқ маҳалласида истиқомат қилувчи Ш.Қоржововдан шикоят хати келган эди. Унда Бешкўтон қишлоқ фуқаролар йиғини иш фаолиятида, айнан фуқароларга нафақа ва моддий ёрдам тақсимлашда адолатсизликка, ҳатто қонунбузарликка йўл қўйилаётгани ҳақида сўз борган эди. Биз шикоят мактубида баён қилинган ҳолат юзасидан Деҳқонобод тумани ҳокими ўринбосари А.ХОЛОВ имзоси билан қуйидагича жавоб хати олдик:

"Аниқланишича, фуқаро Ш.Қоржововнинг аризасида кўрсатилган важлар бўйича муқаддам Деҳқонобод тумани прокуратураси томонидан текшириш ўтказилган. Текшириш жараёнида Бешкўтон қишлоқ фуқаролар йиғини раҳбарлари томонидан фуқароларга нафақа ва моддий ёрдам пулларини тайинлаш борасида қонунбузарликларга йўл қўйилганлиги аниқланган ва 2004 йил 9 август куни йиғин раиси К.Норматов ва бошқаларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 205-моддаси 2-қисми "а" банди билан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилган. Тергов натижасига кўра, К.Норматовга айб эълон қилиниб, мазкур жиноят иши кўриб чиқилди ва мазмунан ҳал қилиш учун жиноят ишлари бўйича Деҳқонобод тумани судига юборилган."

* * *

Ушбу иш бўйича тегишли идоралар иш кўраётган пайтда хат муаллифининг ушбу мактубини мамлакатимизнинг деярли барча раҳбарлари (улар сони 18 та) номига йўлланганлиги ҳайрон қоларлидир. Ахир тегишли идора, қолаверса суд бу масалани кўриб чиқаётган пайтда шунча идораларни "иш билан таъминлаш" шартмикин?! Балки, хат муаллифи бу ҳақда ўйлаб кўрар...

ТАҲРИРИЯТ

АЗИЗ МУШТАРИЙ! ГАЗЕТАМИЗГА АЙНИ КУНДА ҲАМ ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА. ИСТАГИМИЗ ЙИЛ ДАВОМИДА СИЗ БИЛАН БИРГА БЎЛИШ!

Mahalla

Ўзбекистон Республикаси матбуот ва ахборот Агентлигида 060 рақами билан рўйхатга олинган.

Нашр кўрсаткичи: 148

Хомий: «Матбуот тарқатувчи» ҳиссадорлик жамияти

Таҳририят манзили: Тошкент, Матбуотчилар, 32-уй

Телефонлар:
Қабулхона — 136-53-93
Тел/Факс: — 133-44-25
Масъул котиб: 136-53-75
Хатлар бўлими: 136-57-62

« M.R » — белгиси остида реклама-тижорат мақолалари берилади.

Муассислар:
Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамғармаси республика бошқаруви, «Mahalla» газетаси таҳририятининг меҳнат жамоаси.

ПЛАСТИК КАРТОЧКА — ҚУЛАЙ ВА АФЗАЛ

Вазирлар Маҳкамаси мамлакатимизда тўлов воситасининг замонавий усули — пластик карточкалардан кенг фойдаланишни йўлга қўйиш мақсадида ўтган йил 24 сентябрда пластик карточкалар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида қарор қабул қилган эди.

— Ҳукуматимизнинг ушбу қарори аҳоли кенг қатламлари орасида пластик карточкаларни оммалаштиришда муҳим омил бўлгани, — деди «ўаллабанк» бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари Абдуносир Раҳмонов ЎзА мухбирига. — Қарор ижросини амалга ошириш учун келгуси йил охирига қадар олтмиш минг дона пластик карточка муомалага чиқарилиши мўлжалланмоқда. Шу давр мобайнида ярим мингдан ортиқ терминал ўрнатишимиз ҳам лозим бўлади. Ҳозир бу вазифани ўз вақтида бажариш учун барча зарур шарт-шароит яратилмоқда.

Бугунги кунда юздан ортиқ савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчасини терминаллар билан таъминлаш жараёнини ниҳоясига етказяпмиз. Айрим ташкилот, корхона ва фирмаларнинг ходимлари иш ҳақини пластик карточка орқали олиши йўлга қўйилди. Ихтиёрийлик асосида жорий қилинаётган бундай лойиҳалар ўзини тўла оқламоқда.

Пластик карточка фойдаланувчи учун қатор қулайлик ва афзалликларга эга. Молиявий операцияларни амалга оширишда ҳар икки томоннинг вақти тежалади ва хизмат ҳақи тўлашда харажатлар камаяди, унда чекланмаган миқдорда маблағ жойлаштириш мумкин, қолган маблағ эса ой ўтган сайин қўшимча даромад бериб боради.

Нақд пулсиз ҳисоб-китобнинг қулай шакли ҳисобланган пластик карточка йўқолиб қолганда ҳам мутлақо хавфсиздир. Йўқолган карточка эгаси бу ҳақда банкка хабар берса кифоя. Карточка фақат эгасигагина маълум код — пароль билан ҳимояланганги боис бошқа киши ундан фойдалана олмайди.

Айтиш жоизки, бундай карточкалар мижозларимизга бепул берилянти. Унга қайси банкда хизмат кўрсатилишидан қатъи назар, ўз карточкаси ёрдамида исталган жойдаги терминал тармоқлари орқали тўловни амалга ошириши таъминланган. Зарурат туғилганда банкларнинг жамғарма шохобчаларидаги терминаллар ва банкоматлардан нақд пул олиш имкони мавжуд.

Ҳозир юртдошларимиз савдо ва умумий овқатланиш ҳамда автомобилларга ёнилғи қуйиш шохобчаларида, авиа ва темир йўл чипталари, коммунал ва уяли алоқа хизматлари, ўқув-контракт тўловларини амалга оширишда пластик карточкалардан айниқса самарали фойдаланаётирлар.

ЎзА мухбири Лазиз РАҲМАТОВ ёзиб олди

14 ЯНВАРЬ — ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ

ЭПЛИ ЎҒЛОНЛАРИМ — ПОСБОНИМ МЕНИНГ!

Ватан! Ғурурга, фахрга айланган забон. Ташна лабга оби-ҳаёт сендадир, руҳим озод, зеро дақиқа сайин эрк мангулик мулкининг хазинасидан азиз онларни ойдин орзуларга ўраб боравераді. Ҳур диёрда ҳайқираман, эркинлигимдан, нур бисёрда, қувонаман.

Бугун Ўзбекистон Қуролли Кучлари янги бир босқичга кўтарилди, профессионал ҳарбийлар шаклланди. Синглимнинг ўғли Муҳаммаджон аскар. У ўғлидан мазмунли мактуб олиб суюнади: "Онажон, таним соғ, хизматлар зўр!" Зеро, юртимизнинг ҳар бир ҳудудидаги ҳарбий қисмларда бугун аскарларнинг соғлом ва замонавий техникалар билан тиллаша оладиган билимдон бўлишлари учун барча шарт-шароитлар бисёрдир.

— Ўғлим аскарликка кетган, — дейди қўшним Салимахон. — Кўнглим тинч. Оқу қорани яна ҳам яхшигина фарқлаб қолди, дўстлар орттирди, қайтиб келгач ўқишга ҳам кирмоқчи, — беҳад суюнади у.

Куни кеча бир қариндошим — Меҳрихон ўғлининг ҳарбий хизматни тугатиб яна шартнома билан ҳарбийда ишлаш орзусидан фахрланди. Аксарият аскарларимиз хизматни ўтаб бўлгач тинч ҳаётдаги меҳнат жараёнларида ҳарбийда олган сабоқлари қўл келаётганлигидан мамнун эканлигини кўп кўрганман. Зеро, бугунги аскарнинг келажакка ишончи, умиди олдига қўйган мақсадида намоёндир. Уларнинг муродларига интилажак ёруғ йўлларини ойдин кўраман! Ватанни ва уни ҳимоя қилишни нотўғри тушунган, натижада муқаддас ерини байтул-ҳазонга айлантирган ёшларни ҳам Ўзбекистон халқи кўрди, тараққийпарвар инсоният лаънатлади.

Ўтган йили 28 март — 1 апрель кунлари Тошкент ва Бухорода содир этилган террорчилик ҳаракатларида 14 киши ҳаётдан кўз юмди, 53 киши эса жароҳатланди. Бегуноҳ норасидаларнинг қонини тўкканлар тинчликсевар инсониятнинг қарғишига, мард ўғлонларнинг зарбига дучор бўлди. Ватанга, оламга, одамга қилинган мазкур жиноят — сотқинликдир! Жангарилар аскар эмас, улар жиноятчи, сотқин, қолаверса қўрқоқ ҳам! Уларнинг на бугуни, на эртаси бор. Ватан дахлсиздир, тинчлик муқаддас! Мазкур устувор мақсад жасоратга айланиб террористик гуруҳларни йўқ қилиш тадбирларида кўрсатган мардлиги ва жасорати учун 9 нафар ҳарбий хизматчи Ватанимизнинг юксак мукофотига сазовор бўлдилар.

Тарих ғилдираги асрларни ортда қолдириб айланаверади. Зеро, фаровон ҳаёт, мустақиллик эпкинларидан дастурхон тўкин, тирикчиликда барака, умрга файз кираверади. Ўзбекнинг алпомишсифат Ватан посбонлари осмонимиз мусаффолигини, кунларимиз осойишталигини ҳимоя қилаверадилар. Ҳа, Ватан биттадир!

Чин йигитни кўрдим, майдонда —
Ёвқур аскар, эпли ўғлонлар.
Йўқ омонлик ғаним, шайтонга
Хотири жам элмиз, ёронлар!

Фазилат ҲОЖИҚУЛОВА



Қайси давр, қайси маконда бўлмасин, инсоният бир эзгу мақсад йўлида доимо жипслашишга, бирдам оёққа туришга шай бўлган. Саждагоҳ каби муқаддас бўлган она Ватанни қадрлаш, унинг эркинлиги ва озодлигини ҳимоялаш, зарур бўлса шу йўлда жон фидо қилиш туйғулари зиримида мужассамлашган ана шу муштарак мақсадни бугун юртимиз мудофааси йўлида ўз йигитлик бурчларини ўташга шайланган жасур ва мард ўлғонларимизнинг юз-кўзларидан ҳам илғаш мумкин.

МАРДЛИК ВА ЖАСОРАТ АСКАРЛАРГА ХОС

Юртимизда тезкор ва ихчам, юксак жанговар руҳга эга бўлган профессионал армияни шакллантиришни ва ўз навбатида унинг сафига жисмонан бақувват, маънан етук йигитларни саралаб олишни даврнинг ўзи тақозо қилиб турибди. Ушбу долзарб ва устувор талабдан келиб чиқиб амалга оширилган ҳарбий соҳадаги ислоҳотлар айни пайтда ўз самарасини бермоқда. Қолаверса, фуқароларимизнинг армиямизга нисбатан муносабатлари тубдан ўзгарди. Бундан 15-20 йил аввал армия деганда барчамизнинг кўз ўнгимизда ўз онасининг бағридан юлқиниб бегона юртларга йўл олган йигитнинг руҳий ва жисмоний азиятлари жонланарди. Сир эмас, кўпчилик йигитларимиз қатор салбий иллатларни, дейлик сигарет, нос чекишни, спиртли ичимликлар истеъмол қилишни, сўкинишнинг янгидан-янги "ихтиро"ларини ҳам айнан собиқ армия мактабидан "ўзлаштириб" қайтардилар. Шу боис ҳарбий хизматга нисбатан ишончи йўқолган аксарият ота-оналар ўз фарзандларини турли йўллар билан хизматдан олиб қолишга чора изладилар.

Бугун эса бунинг тамоман акси: ота-оналар фарзандларини хизматга олишларини илтимос қилиб жойлардаги мудофаа ишлари бўлимларига мурожаат қилаётирлар, йигитларимиз тезроқ армияга кетишга, имкони бўлса шу соҳада хизмат қилишга иштиёқи баланд.

Бундан кўриниб турибдики, миллий армиямизни ҳақиқий ҳаёт мактаби дейиш учун етарли асосга эгамиз. Хусусан, кейинги йиллардаги қатор ўзгаришлар — муддатли ҳарбий хизматнинг 12 ой этиб белгиланганлиги, сафарбарлик-чақирув резерв хизматининг жорий қилинганлиги, ҳарбий хизматчиларнинг ойлик маоши икки баробарга, заҳирага бўшатилганида уларга бериладиган бир марталик пуллик тўлов миқдорининг йигирма баробарга оширилганлиги ана шу йўлда пойдевор бўлди.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, ҳарбий хизматга нисбатан қизиқиш ортиб бораётганлигининг яна бир муҳим омили аскарларимизнинг озиқ-овқат ва турар-жой таъминотидаги қатор ижобий ўзгаришлар, хизматдан кейинги даврда уларга берилаётган имтиёзлар билан ҳам боғлиқ.

Масалан, ҳозирда муддатли ҳарбий хизматни ўтаб қайтган ёшларни иш билан таъминлашда анчагина қулайликлар, имкониятлар мавжуд. Олий ўқув юртларида ўқиш истагида бўлган намунали аскарларга эса тегишли тартибда тавсиянома бериш йўлга қўйилди. Яъни тавсияномага эга бўлган собиқ аскар — абитуриент олий ўқув юртига кириш имтиҳонларида тўпланадиган умумий баллнинг 20 фоизи миқдорида қўшимча баллга эга бўлади. Бу эса ўз йигитлик бурчларини аъло даражада ўтаб қайтган билимга чанқоқ, зеҳни ўткир ёшларимиз учун давлатимизнинг катта ғамхўрлиги бўлди. Ўтган йилда ана шундай юксак имкониятдан фойдаланиб олий ўқув юртларига ҳужжат топширган 2 минг нафарга яқин собиқ аскарлардан 70 фоизга яқини бугун талаба.

Шу билан бирга ҳарбий қисмларда хизмат бурчини ўтаётган аскарларни озиқ-овқат билан таъминлашда илмий асосланган янги меъёрлар жорий этилди.

— Бугунги кунда ҳарбий қисмларимизда шахсий таркибнинг овқатланиш рационидан шифобахш сироплар ва витамин препаратлари ҳам ўрин олган, — дейди Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазирлиги тиббиёт бошқармаси даволаш-профилактика бўлими бошлиғи, тиббий хизмат полковниги А. Раҳимов. — Шунингдек, 2005 йилнинг Сиҳат-саломатлик йили деб эълон қилиниши кейинги йилларда Қуролли Кучларимизда амалга оширилаётган қатор соғломлаштириш дастурларининг узвий давоми бўлади.

Юқоридаги фикрлардан кўриниб турибдики, хизмат даври мобайнида ўз соғлиғини тиклаган, турли витаминлар, юқори қувватли озиқ-овқатлардан жисмоний озуқа олган, руҳий етукликка эришган аскарларимиздан келажакда туғилажак фарзандлар биз кутгандек соғлом ва баркамол бўлади, генофондимиз яхшиланади. Қолаверса, хизмат мажбуриятларини ўтаб ўз уйларига қайтган фуқароларимиз армия сафида олган тарбияси, интизоми, тўғри турмуш тарзини, ўз соғлиғини мустаҳкамлашга бўлган муносабатини барча ён-атрофидагиларга етказади, уларга ўрнак бўлади!

Фаррух БЎТАЕВ, "Mahalla" мухбири

Тошкент шаҳри

"ВАТАНПАРВАР" ТАДБИРЛАРИ

Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти марказий кенгашида Президент Ислом Каримовнинг «Миллий армиямиз — мустақиллигимизнинг, тинч ва осойишта ҳаётимизнинг мустаҳкам кафолатидир» рисоласи асосида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Уни ташкилот марказий кенгаши раиси, полковник А.Абдуқаҳҳоров бошқарди.

Анжуманда сўзга чиққан Мудофаа вазирининг ўринбосари, полковник М.Аҳмедов, Республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси бошқаруви раиси А.Гадойбоев, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши раиси Б.Убайдуллаев ва бошқалар Юртбошимизнинг мазкур рисоласи ёш авлодни Ватанга муҳаббат, эл-юртга садоқат ғоялари асосида тарбиялаш, ҳарбий хизматчилар ва чақирилувчилар ўртасидаги алоқаларни янада мустаҳкамлашда муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилаётганини алоҳида таъкидладилар.

Илмий-амалий анжуманда мактаб, лицей ва коллежларда ҳарбий чақириққача тайёргарлик машғулотларини янада такомиллаштириш, захирадаги офицерларни таълим муассасаларига жалб этиш, оила-маҳалла-мактаб-армия тизимини шакллантириш, ёшлар ўртасида спортни янада оммалаштириш, ўқувчиларнинг компьютер саводхонлигини ошириш хусусида атрофлича фикрлашилди.

Холмурод САЛИМОВ, ЎзА

* * *

Яқинда Мудофаага кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти Бектемир тумани кенгаши қошидаги спорт-техника клубида Ватан ҳимоячилари байрамига бағишлаб клуб ўқувчилари ўртасида пневмотик милтиқдан нишонга ўқ отиш бўйича мусобақа ўтказилди.

Мусобақа ёшларда катта қизиқиш уйғотди. Спорт-техника клубидаги ҳайдовчиликка мутахассислиги бўйича ўқийдиган 30 нафар ёшлардан ўн нафари беллашувда қатнашиб, ғолиблик учун курашдилар. Дилшод Юсупов 5 имкониятдан 49 очко жамғариб мусобақа ғолиби бўлди. Миржамол Абдуллаев ва Дилмурод Мусаевлар эса иккинчи ва учинчи ўринни эгаллашди.

— Бу каби тадбирлар ёшларимизда катта қизиқиш уйғотишдан ташқари, уларда ватанпарварлик ҳиссини тарбиялайди, — дейди "Ватанпарвар" ташкилоти Бектемир тумани кенгаши раиси ўринбосари Ўлмасхон Қодирова. — Она Ватан осойишталигини ҳимоя қилиш, унинг сарҳадларини қўриқлаш азалдан йигит кишининг зиммасидаги бурч ҳисобланади. Бугунги кунда ёшларимизнинг ана шу бурчни шараф билан адо этишга руҳлантиришда шундай тадбирларнинг аҳамияти катта, деб ўйлаймиз.

МУХБИРИМИЗ

Тошкент шаҳри

Фаолиятда фаол аёллар

Собир Раҳимов туманида жойлашган Беруний номли маҳалла фуқаролар йиғини кўп йиллар давомида юртимизда ўтказилаётган турли кўрик-танловларда фахрли ўринларни қўлга киритиб келаётганлиги билан танилган. Бундай муваффақиятларнинг боисини маҳаллада олиб борилаётган маънавий-маърифий тадбирлар самараси билан боғлаш мумкин. Хусусан, маҳаллада хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси фаолияти яхши йўлга қўйилган. Айни пайтда комиссияга фидойи ва ташаббускор аёл Матлубахон Ниғмонова раислик қилмоқда.

КОМИССИЯ ИБРАТИ

Унинг ташаббуси билан маҳаллада аёлларга маънавий ва маданий озуқа берилмоқда, шунингдек, эҳтиёжманд оилаларга, қария ва ётиб қолганларга, болаларга иқтисодий ёрдам чоралари кўрилмоқда.

Уйда бола тарбияси билан машғул бўлган ва кекса аёлларнинг кўнглини кўтариш мақсадида кетма-кет бир неча тадбирлар ўтказилди. Яқинда М.Ниғмонованинг ташкилотчилиги билан бир гуруҳ онахонлар Юнусобод туманида жойлашган "Шаҳидлар хотираси" мажмуасида зиёратда бўлишди. Мажмуада жойлашган музей ҳам барчада катта таассурот қолдирди.

Маҳалла хотин-қизлар билан ишлаш комиссиясининг иш режасида асосан онахонларнинг қутлуғ ёшларини шоиру ёзувчилар, олимлар, санъаткорлар даврасида кўтаринки руҳда нишонлаш кўзда тутилган. Ана шундай тадбирлардан бири янги йил арафасида Миллий академик драмма театрда ўтказилди. Маҳалла аҳлининг 250 нафардан ортиғи иштирок этган ушбу тадбир Мунира опа Саидованинг 75, Муаттар опа ва Исмат ака Нурматовларнинг 70 ва Гўёхон Мирзаеванинг 65 йиллик қутлуғ ёшни қарши олишлари муносабати билан ташкил этилди. Кечада маҳалла хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси томонидан тайёрланган совғалар юбилярларга топширилди.

Шундан сўнг кечага йиғилганлар "Қирмизи олма" номли спектаклни томоша қилишди. Айтиш жоизки, Беруний номли маҳаллада амалга оширилаётган ушбу хайрли ишлар барчага ибрат бўлиши ва инсонлар қалбида меҳр-оқибат, саховат каби эзгу туйғуларни жонлантириши шубҳасиз.

Раъно РАҲИМБЕКОВА, юридик фанлари номзоди, доцент.

Фарғона вилояти

ЧИМЁНДАГИ ТАШАББУС

У ВОДИЙ БЎЙЛАБ ҚАНОТ ЁЗМОҚДА

Башоратхон Солиева Фарғона тумани маркази — Водилдан Чимён қишлоғига келин бўлиб тушди. Турмуш ўртоғи Юсуфжон Солиев олий маълумотли, билимдон ва тадбиркор йигит эди. Оилада бирин-кетин тўрт ўғил ва икки қиз дунёга келди, улғайиб-ўқиб, ҳаётда ўз ўринларини топишди.

Маҳалладаги қаровсиз ётган болалар боғчасини таъмирлаб, жиҳозлаб ишга тушириш Башоратхоннинг тадбиркорлик фаолиятидаги биринчи ташаббус бўлди. Бу ташаббусни хўжалик раҳбарлари, маҳалла фаоллари, ота-оналар қўллаб-қувватлашди. Мўйсафид отахон томорқасидаги тераклардан бир нечтасини кесиб берди. Фермер Ўтанов қурилиш материалларидан қарашди. Бошқа маҳалладошлар ҳам баҳоли қудрат ёрдам беришди. Қисқа фурсатда боғча биноси таъмирдан чиқарилиб, ишга туширилди.

Башоратхон эса янги ташаббусга бел боғлади. Умр йўлдоши, фарзандларининг қўллаб-қувватлашлари билан ҳовлисида икки қаватли бино қуриб, бу ерда "Башорат" ижтимоий адаптация марказини очди. Марказда тикувчилик, пазандачилик, аёллар саломатлиги гигиенаси, хориж тилларини ўрганиш, ёшлар ўртасида гиёҳвандлик ва ОИТСнинг олдини олиш бўйича ўқув курслари фаолият кўрсата бошлади. Бу курсларда машғулот олиб боришга турли жойлардан ўз соҳасининг малакали мутахассислари таклиф этилди. Тикувчилик йўналиши бўйича 90 нафар йигит-қизлар уч ой мобайнида ҳунар ўрганишди.

Америкалик Тара О.Коннор хонимдан олти ой давомида таҳсил олиб, инглиз тилини яхшигина ўрганиб сертификат олган ўттиз нафар йигит-қизларнинг қувончлари ҳам бир олам. Бу курсни тамомлаган Дилдорахон Мўйдинова бугунги кунда марказ қошидаги боғча-санаторийда болаларга инглиз тилини ўргатяпти. Боғча-санаторийда юзга яқин бола тарбияланади. Уларнинг 45 нафари ногирон болалар. Логопед гуруҳида йигирмата бола бўлиб, мутахассис Зухрахон Исоқова нутқ ўстириш машғулотларини олиб боради. Асаблари заиф ўн нафар бола эса нервпатолог Дилдорахон Абдусаматова, руҳшунос Кароматхон Ҳаққуловалар назоратида тегишли муолажаларни олишмоқда. Ясситовон, юришга қийналадиган ўн беш нафар бола эса жарроҳ Хотамжон Маматов, педиатр шифокор Саодатхон Аҳмедова тавсиялари билан шифо топишяпти.

Башоратхон энди адаптация маркази, боғча-санаторий ёнида спорт ўйингоҳи қуришга ҳам киришган. Унга тумандаги "Суҳайл" фирмаси ҳомийлик қилмоқда. Фирма маскан қурилишига ўзининг дастлабки 3,5 миллион сўм маблағини ўтказиб берган. Ҳозиргача майдонни текислаш, атрофини ўраш ишлари бажарилган. Айни кунда футбол, волейбол, баскетбол, теннис майдонларини жиҳозлаш ишлари ниҳоясига етяпти. Ўйингоҳ ишга тушса адаптация маркази ходимларидан ташқари маҳалла ёшлари ҳам бўш вақтларини шу ерда ўтказишади.

— Мени бир ҳолат жуда ўйлантиради, — дейди Башоратхон опа Солиева. — Аёлларимиз оиладаги ўз мавқеларини кўпинча яхши ҳис қилишмайди. Уларга нисбатан турмуш ўртоғи, қайнонаси ва бошқа кишилар томонидан турли тазйиқлар ўтказилади, ҳурматсизлик қилинади. Шу ҳолатда оила бекаси ўз ҳақ-ҳуқуқларини яхши билмайди. Оила Кодекси ҳамда бошқа қонунлардан деярли бехабар. Аёлларимизнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш мақсадида махсус лойиҳа ишлаб чиқдим ҳамда уни "Осиё тараққиёт банки"га тақдим этдим. Лойиҳани мақуллаб, 1 миллион 700 минг сўмлик грант ажратишди. Ушбу грант асосида қўшни Хонқиз, Қўрғонтепа, Водил қишлоқларида ҳамда Олтиариқ тумани марказида яшовчи аёллар билан алоҳида семинар машғулотлар ўтказдик.

Айни кунда Фарғона водийсининг Чимён қишлоғидаги Арча маҳалласи фуқаролар йиғинида бошланган бу хайрли ташаббус доврўғи кундан-кунга ортиб боряпти. Энг асосийси, Башоратхоннинг хайрли ишлари ортидан эргашган саховатпеша, ишбилармон ва ташаббускор инсонлар сони кўпайяпти.

Қодир ШОДМОНОВ, "Mahalla" мухбири.

Сиҳат-саломатлик йилида: соғлом турмуш тарзи барча учун

Андижон вилояти

СПОРТ МАЖМУИ БУНЁД ЭТИЛМОҚДА

Жалолқудуқ туманининг маркази бўлган Охунбобоев шаҳрида шу кунларда замонавий спорт мажмуаси бунёд этилмоқда. Унинг таркибида 5 минг томошабинга мўлжалланган ўйингоҳ, енгил атлетика майдончалари, югуриш йўлаклари, кийим алмаштириш хоналари бўлади.

Янги масканни барпо этишда тумандаги барча корхона, ташкилот, муассаса, фирма, ширкат ва фермер хўжаликларидан келган қурувчилар ва ҳашарчилар яқиндан ёрдам бермоқдалар. Вилоят ҳокимлиги бу муҳим иншоот қурилишини жадал суратларда ниҳоясига етказиш мақсадида етарли миқдорда маблағ ажратган.

Узоқбой САКСОНБОЕВ,
"Mahalla" мухбири.

Хоразм вилояти

ҲОЖИХОН ҲОФИЗГА ЭҲТИРОМ

Ўзбек халқи санъати довруғини, шон-шуҳратини оширишдаги фидойилиги эвазига Юртбошимиз Фармони билан "Буюк хизматлари учун" орденига мушарраф бўлган таниқли санъаткор, Ўзбекистон халқ артисти Ҳожихон Болтаевнинг 100 йиллигини вилоят миқёсида нишонлаш учун қизғин тараддуд кўрилмоқда.

Ҳофизнинг туғилган юрти Хонқада эса Ҳожихон Болтаевнинг уй-музейи қурилмоқда. Ҳофиз хотирасига қад ростлайдиган ҳайкал ёнида 500 ўринли амфитеатр ҳам бунёд этилади. Айни кунда бу ерда қурилиш ишлари қизғин давом этмоқда. Қолаверса, музей қошида мақом ансамбли ташкил этишга ҳам қарор қилинди.

Ҳожихон Болтаевнинг маҳалладошлари ҳофиз ижро этган ашулалар ёзилган тасмалар, унинг ҳаёти ва ижоди билан боғлиқ бўлган осори-атиқалар ва ўзларида сақланаётган суратларни уй-музейига топшириш истагини билдирдилар.

БОЛАЛАРГА БЕРИНГ, ҚУШИҚНИ!

Янги йил байрами арафасида Хоразм вилоятидаги 20-Меҳрибонлик уйида бастакорлар билан учрашув бўлиб ўтди. Яъни Ўзбекистон санъат арбоби, Давлат мукофоти лауреати, Ўзбекистон бастакорлар уюшмаси раиси Рустам Абдуллаев Нормурод Нарзуллаев шеърига басталаган "Сен ёлғиз эмассан" мадҳия қўшиғини болажонларга тақдим этди. Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари бу қўшиқни кечага таклиф этилган болалар хори билан биргаликда куйлашди.

Кечада таниқли бастакорлар Ҳабибулло Раҳимов, Муҳаммаджон Отажоновлар ҳам ўзларининг болажонларга бағишланган асарларини совға қилдилар. Оймонжон Сапаева эса болаларга совға-саломлар ва "Омон бўлинг, яхшилар!" номли китобини ҳадя этди.

Ўзбекистон Қаҳрамони, Меҳрибонлик уйи директори В.Пак кечада қатнашган санъат арбобларига миннатдорчилик билдирди.

Мазкур куй-оҳангларга сингиб кетган учрашув болаларда катта таассурот қолдирди.

Абдулла САФОЕВ,
"Mahalla" мухбири.

Тошкент шаҳри

ИСТИҚЛОЛ МАҲСУЛИ "ИСТИҚЛОЛ"



Собир Раҳимов туманидаги Қорасарой маҳалласи ҳудудида ишга тушган муҳташам спорт мажмуи нафақат ушбу маҳалла, балки яқин атрофдаги барча маҳаллалар ёшлари учун янги йил байрами арафасида ажойиб совға бўлди. Мужмуа "Истиқлол" дея аталиб, унда спортнинг бир нечта турлари билан шуғулланиш учун шароитлар муҳайё қилинган. Қишки таътил кунларида бу ерда мини-футбол бўйича ўсмирлар ўртасида туманлараро мусобақалар ташкил этилди. Бугун "Истиқлол"да спорт билан шуғулланаётган болалар орасидан истиқболда катта спорт усталари етишиб чиқса ажабмас.

СУРАТДА: "Истиқлол" спорт мажмуасининг умумий кўриниши ва унинг очилиш маросимидан лавҳа.

Р.ГАЛИЕВ олган сурат.

Фарғона вилояти

САХОВАТДАН ЯРАЛГАН ҚЎРҒОН

Мозортол қишлоғи Бағдод туманидаги энг кўҳна масканлардан. Айтишларича, қишлоққа Буюк ипак йўли бўйлаб сафарга чиққан кўплаб карвонларнинг, не-не улуғ алломалар ва донишмандларнинг қадами теккан экан. Қўқон ҳукмдорлари Марғилон, Андижон томонларга борадиган бўлса, Мозортол ёки унга қўшни Хўжа қишлоқларида албатта тўхтаб, ҳордиқ чиқарганлари ҳақида ҳам ривоятлар бор.

Айни пайтда Мозортол маҳалла фуқаролари йиғини таркибидаги мазкур қишлоқда 1400 нафарга яқин аҳоли истиқомат қилади. Уларнинг аксариятини бой-бадавлат кишилар, тадбиркор ва ишбилармонлар, ҳунармандлар ташкил қилади. Ҳозирда бу мўъжазгина қишлоқда 11 та фермер хўжаликлари, 7 та хусусий кичик корхоналар, 3 та тегирмон, 2 та жувоз, 5 та кундалик истеъмол моллари дўконлари ҳамда қатор бошқа маиший хизмат шахобчалари аҳолига хизмат кўрсатмоқда.

Бу ердаги тадбиркорлар, мулкдорлар маҳаллани ободонлаштиришга, ишсизликка барҳам беришга қаратилган ишларга жалб этилган. Шундан бўлса керак, мозортоллик ёшлар орасида бошқа шаҳарларга иш излаб бораётганлари деярли йўқ.

— Мозортоллик оила бошлиқларининг кўпчилиги деҳқончилик, ҳунармандчилик билан шуғулланишади. Аёлларимиз эса тикувчилик, зироатчилик билан банд, — дейди Абдувоҳид Салимов. — Хонадонларимизнинг деярли ҳар бирида энг камида 0,13 гектардан томорқа ерлари бор. Маҳалладошларимиз қовун, тарвуз, қалампир ва картошканинг эртапишар турларини етиштириб, элдошлари дастурхонига армуғон этишади.

Яна бир эътиборли томони, қишлоқ ёшлари ўртасида спорт тобора ривожланиб бораяпти. Ҳашар йўли билан ҳамда тадбиркорларнинг хайрия маблағлари ҳисобига маҳаллада замонавий спорт ўйингоҳи қуриб битказилди. Ҳозирда бу ер маҳалла ёшлари билан гавжум.

— Қишлоғимизда тадбиркорлик кундан-кунга ривожланиб бормоқда, — дейди шу қишлоқлик Ғанижон Алиев. — Шуниси эътиборга моликки, қишлоққа табиий газ, ичимлик сув келтириш, кичик электр станцияларини сотиб олиш каби хайрли ишлар ана шу тадбиркорларнинг маблағлари ҳисобидан амалга оширилган.

Тўғри, маҳаллада муаммо ва камчиликлар ҳам йўқ эмас. Хусусан, янги қурилган 50 та хонадонга табиий газ етиб бормаган. 80 та уй-жойга ичимлик суви тармоқлари ўтказилмаган. 1991 йилда бошланган 480 ўринли мактаб биносининг қурилиши тўхтаб қолган. Аммо мозортолликлар бу муаммоларни кимдир ҳал қилиб беради, деб қараб туришгани йўқ. Тадбиркорлар, фермерлар газлаштиришда ҳам, сув келтиришда ҳам ўзларининг беминнат ёрдамларини аямайдилар. Мактаб қурилишини амалга оширишда яна ўша мозортоллик ҳимматли тадбиркорлар ва саховатпешалар фаол бўлишларига ишончимиз комил.

Солижон УСМОНОВ

Олам турфа

КИМ ҚАНДАЙ ЧОЙХЎРЛИК ҚИЛАДИ?

Ўзбекнинг чой ичмаган куни аўқ. Ошдан кейин ҳам чой, шўрвадан кейин ҳам чой, ҳатто чойдан кейин ҳам чой ичишига бир баҳя қолади. Бироқ чойхўрлик одати нафақат ўзбекларда, балки кўпгина воҳқа халқларда ҳам шаклланган. Фақат уни истеъмол қилишда бироз фарқ бор.

Масалан, биз чойга қора мурч ёки асал қўшиб ичишни ёқтирамиз. Шу билан бирга бугун дамлаган чойимизни эртагаликка ҳам қолдираверамиз, совуқ чой қилиб. Аммо бундай қилиш зарарли экан. Хитойлар кечадан қолган чойни илон захрига тенглаштиришади.

Тибетликлар чойни коктейл каби кўпиртириб ичишни ёқтиришади. Бунинг учун улар чойга туз ва сарёғ қўшиб, роса аралаштиришади ва кўпиртиришади. Мўғуллар сут, ёғ, ун ва ёрма қўшиб истеъмол қилишни афзал кўришади. Чойни сут билан бирга дамлаб, унга туз, дафна япроғи, мускат ёнғоғи (Осиёнинг иссиқ мамлакатларида ўсадиган, доимо яшил дарахт ва унинг хушбўй мағизли меваси) ва чиннигул аралаштириб ичиш қалмоқларнинг жону дили. Ҳиндлар эса чойни совутиб, унга шакар, лимон аралаштириб, муз билан ичишни хуш кўришади. Лотин амриқоликлар муз, ананас ва Куба роми (кучли спиртли ичимликнинг бир тури)ни аралаштириб ичишади.

М.ИСЛОМОВА
тайёрлади.

Ҳаётнинг чалкаш чорраҳалари

БИР ҚАРИЧ ЕР...

У жон-жигардан ҳам афзалми?

Сарвинознинг кутилмаганда ғойиб бўлиши ҳаммани ҳайратга солди. Негаки у ақл-ҳушли, одобли, маданиятли, иймон-эътиқодли замонавий қиз. Иқтидорли қаламкаш. Мақолалари, лавҳа ва очеркларида иффат ва ҳаёни, барчага кўз-кўз қилгудек маданиятимиз, қадимий урф-одат, анъаналаримизни биринчи ўринга қўяди, дугоналари, тенгдошларига ибратли маслаҳатлар беради. Шу боис ҳам унинг ножўя қадам босиши ҳеч кимнинг хаёлига келмади.

Тўрт кун ўткач эса унинг жасади ўзи туғилиб ўсган чекка қишлоқдаги бетон ариқнинг даҳнасидан топилди.

...Ҳаёт бу кўргуликлари билан Сарвинозни қайта-қайта синовдан ўтказди. Ота-онадан бевақт ажралган қизча момоси қўлида қолди. Қария севимли қизидан қолган "ягона гули"ни пуф-пуфлаб ўстирди, унинг истакларини имкон қадар бажо келтиришга интилди. Қизча жуда кичкиналигиданоқ китобга, мактабга меҳр қўйди. Мактабни тугатиб, олий ўқув юртига ўқишга кирди. Уни имтиёзли тугаллаб, севган касби — журналистика соҳасида ишлай бошлади. Сарвиноз гўдаклигида момосининг кўмагига қанчалик эҳтиёж сезган бўлса, тўқсонни қоралаган қария кейинчалик набирасининг ёрдамига шунчалар муҳтож бўлиб қолди.

Момо оламдан кўз юмган кундан Сарвиноз кўтариб бўлмас юк, ғамалам остида қолди. Не қилсин, ўлим ҳақ.

Қариянинг маъракалари ҳам ўтиб улгурмай кичик тоға ўғлини уйлантириш зарур эканлигини қайта-қайта такрорлаб, деярли ҳар куни жиянидан ҳовлини тезроқ бўшатишни талаб қилди.

— Ахир менинг шу ҳовлидан бўлак нимам бор дунёда? Қўйинглар, инсоф қилинглар, онамнинг, момомнинг руҳини шод этиб, чироқларини ёқиб ўтирай.

— Сендан бошқа ҳам чироқ ёқадиган топилади. Чиқ дедикми, чиқ. Ҳайҳотдек ҳовлига бир ўзинг эга бўлмоқчимисан?

Ҳовли дарди қулоғини кар, кўзини кўр қилган тоғаларнинг кўнглини на қариндош уруғларнинг, на маҳалладошларнинг, на ошна-оғайниларнинг панду насиҳатлари юмшата олмади. Сарвиноз ноҳақлик, адолатсизлик, оқибатсизликнинг оғир юкини кўтара олмай, таъна-дашномларга чидай олмай ўз жонига қасд қилди...

Кейинги пайтларда бир қарич ер, турар жой талашиб қўшниларгина эмас, бир қориндан талашиб тушган ака-укалар, опа-сингиллар ўртасида ҳам келишмовчилик, уруш-жанжал, муштлашиш юз бераяптики, улар катта-кичикларнинг "Эй биродар, бу ҳовли-жой сендан ҳам, сингилу акангдан ҳам қолади" деган насиҳатларига сира амал қилмай судлашишгача, ҳатто қон тўкишгача бориб етаяптилар.

... Она қорнига сиққан Ҳасан билан Ҳусанлар хотинлари миш-миши туфайли ота-оналаридан қолган ҳовлига сиғмай ўртадан девор тортиб уни иккига бўлиб олмоқчи бўлишди. Жанжалга қўшнилар, қариялар, маҳалла оқсоқоллари аралашиб, ҳеч илож қолмагач девор тортиладиган чизиққача белгилаб беришди. Кайвонилар кетгач ака-укалар бир қарич ер устида қайтадан муштлашдилар. Ғазабга келган ука "ҳап, саними" деб акасидан ўч олишни дилига тугиб қўйди. Ҳар ким ўз эшигидан кириб чиқадиган бўлди. Кунлар ўтди. Ука шом пайти машинада кетаётиб кўчада акасининг кенжаси ўйнаб юрганини кўриб қолди. "Ботиржон, кел машинада айлантириб келаман" деди. Бечора гўдак амакининг ғараз ниятини қаёқдан ҳам билсин, шаталоқ отиб машинага чиқиб олди. Ҳусан машинани овлоқ жойга ҳайдаб бориб, болани бўғиб ўлдирди, танани қопга солиб, катта анҳорга улоқтирди...

... Шу кунларда содир бўлган қуйидаги воқеадан " Тавба, одам зоти шунчалар ҳам ифлосликка борадими-а"? деб ёқа ушлашингиз, ғазаб билан ижирғаниб қўйишингиз турган гап.

Ҳанифахон биринчи турмушидан фарзанд кўрмади. Орадан анча вақт ўтгач хотини вафот этган, икки фарзандли тагли-тугли, анчагина обрўли, топармон-тутармон кишига турмушга чиқди. Кўча-кўй, ҳамсоя-ҳақлар "рўзғорнинг боши топилди, етимчаларга ҳам яхши бўлди" дея суюнишди. Аммо ўгай она болаларга меҳр қўймади. Ҳар қадамда айб топиб, уларни турткилаб ўтди. Яхшиямки, йигитнинг онаси бор эди, болалар момоси бағрида ўсди. Йигитнинг онаси оламдан ўтгач, болаларнинг аҳволи бутунлай оғирлашди. Табиатан юмшоқ, ширин сўз ота икки томонни муросага келтиришга ожизлик қилди. "Бу етимчалар ҳали замон улғайиб, ҳовли-жойга эгалик қилади. Уларнинг қадамини бугун қуритмасам, эртага кеч бўлади" деган қарорга келди ва минг бир ҳийлаю найранг ишлатиб, Ҳанифахоннинг ўз тили билан айтганда, "уларни қариндошлариникига, аммаю холаларникига гумдон қилди".

Ҳали бу ҳолва эди. Ҳанифахонга теккан "ҳовлига эгалик қилиш касали" тобора хуруж қилиб, унинг тинчини бузди. Оғир касалга дучор бўлган укаси Салимжоннинг умри қисқа экан, вафот этди. Келини икки гўдак билан бева қолди. Бетофиқ амма жиянларини қандай бўлса ҳам ота-онасидан қолган, бугунгача укаси яшаган бу ҳовлидан бадарға қилиш йўлларини излади. Ҳовлини ўз номига хатлаб олиш ниятида сунъий кўз ёши тўкиб, эланиб ёлвормаган, маслаҳат сўрамаган ҳуқуқшуноси қолмади.

— Хола, рўзғорингиз бўлак, ҳашаматли турар жойингиз ҳам бор экан, нима қиласиз бу ҳовли-жойни? Ахир бегона эмас, ўз келинингиз, жиянларингиз, — дейишди уни инсофга чақириб кўпчилик.

— Укам тириклигида келиним, жиянларим эди. Ҳозир улар менга бегона. Ёш хотин ҳали замон эрга тегиб кетади. Тайёр ҳовли-жойга бегона эркак эгалик қиладими? Мен ҳам ўша ҳовлида вояга етганман. Мен турган ҳовли эримники, эртага нима бўлишини худо билади. Ҳовли меники бўлиши керак, вассалом.

Йўл кўрсатувчилар ҳам кўп. Биров ўзини бечора қилиб кўрсатаётган аёлга раҳми келибми, ёинки унинг дийдиёсини тинглаб безор бўлганиданми турлича маслаҳат беришди унга. "Токи эрингиздан ажралмасангиз уй-жой сизга тегмайди" деди бировлар. Аёл дарҳол эри билан ажрашиш учун судга ариза берди. Эр ҳайрон. "Бир ҳисобда шу касофатдан вақтида қутилганим ҳам маъқул" дея ўйларди эр. Суд уларни ажратишга қарор қилди. Хотин фурсатни қўлдан бой бермай, кўрпа-тўшагини кўтариб марҳум укасининг хотини ва болалари яшаётган ҳовлининг бир хонасига жойлашиб олди.

Бироқ, Ҳанифахоннинг ҳийла-найранлари иш бермади, адолат қарор топди: "Ҳовли жой тўлалигича болаларга тегишли" деб ҳукм чиқарди суд.

У мақсадига ета олмагач, яна собиқ эриникига қайтди. Бироз вақт ўтгач, улар ҳатто қайта никоҳдан ҳам ўтишди.

... Бир замонлар улуғлардан бирининг ёнига ҳазрати Азроил жон олиш учун келибдилар. Бандаи мўмин ҳайратда "Наҳот вақт шунчалик тез ўтиб, ажал вақти етган бўлса" дебдилар ва ўзига неча йил умр берилганлигини сўрабди. "Уч юз йил яшадингиз тақсир" деган жавобни эшитгач, "Шу қисқа умр учун ҳам шунча ташвиш қилибман-а" деб яшаган чайлаларини бир тепиб ағдариб ташлаган эканлар.

Буюк ақл эгалари, даҳолар ҳамиша келажакни олдиндан кўрганлар ва кишиларни ёмон иллатлардан сақланишга чақирганлар. Ҳазрати Усмон "замон келур ва ўшанда умматларим беш нарсани яхши кўриб, беш нарсани унутарлар" деб каромат қилганларида улардан бири: "Қасрларни яхши кўриб, қабрни унутиш" эканлигини алоҳида таъкидлайдилар. Пайғамбаримиз Расулуллоҳу саллоллоҳу алайҳи вассаллам эса: "Бир қарич келадиган ерни бўлса ҳам зулм билан ўзлаштириб олган кимса бўйнига етти қават ердан иборат тавқи лаънат илингай" деганлар. Бу ҳадислар ҳар биримизнинг қадамимизни ақл ва фаросат ила ўйлаб босишга ундайди, албатта.

Курбон ЭГАМБЕРДИЕВ

— Яна нима дейди?
— Қариндошлар уй-жой талашса уят-ку, — дейди.

ЭЪЛОН

Тошкент шаҳар Яккасарой тумани ҳокимлиги томонидан рўйхатга олинган хусусий тадбиркор Авазов Фахриддин Тухтаевич номига 13.02.2004 й-да берилган 1100233 сонли (рақами 0004563) савдо гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли бекор ҳисобланади.

Ҳурматли обуначилар!

Абонементда касса машинасининг муҳри босилган бўлиши шарт.

Обуна ёки манзилгоҳни ўзгартиришни расмийлаштирганингизда касса машинаси бўлмаса, ушбу алоқа бўлимининг календари штампели босилиши керак.

Бу ҳолда обуначига, обунага ёки янги манзилгоҳга ўтказилганлиги, пул тўланганлиги тўғрисида квитанция берилади.

Газета ва журналга обуна бўлганингизда ёки манзилгоҳ ўзгаришини расмийлаштирганингизда карточкаларни сиёҳ билан аниқ ва сўзларни қисқартирмасдан жадвалдаги қоидаларга риоя қилиб тўлдиринг.

Бугун бўлмаса ҚАЧОН?!

Азиз муштарий!

Унутмангки, «Mahalla»га обуна бўлишга асло кечикмадингиз. Шу бугуноқ газетамизга обуна бўлсангиз, йилнинг қолган қисмида ҳам «Mahalla» ҳамроҳингиз бўлади.

Шеърий лукма

МАРСНИ КЎЗЛАЙМИЗУ...

...Жўмракдан бетиним шовулларди сув,
Бекитдим.
Таппа-тақ тўхтади оқим.
Нарида кузатиб қараб турдию:
— Сизга нима, ака — деди аллаким.

Яратган бу сувни тангрининг ўзи,
Оқса оқипти-да, ўзин ерига.
Бекитмоққа не ўй ундади сизни,
Ҳеч ким тегмаганди кўпдан берига.

Турарди хўмрайиб, тунднамо, лоқайд
Менинг бу ишимга норизосимон.
Менинг кўз олдимда бўлди намоён,
Тоза сувга муҳтож қанчалар инсон.

Гарчи ҳозир Марсни кўзлаб одамзод
Унга бориб қўнмоқ йўлин ахтарар.
Аммо ерда ҳануз нотўкис ҳаёт
Қайдадир чучук сув жанжали борар.

Шеърни ўқиганлар не деса десин,
Жўмракни беклашга тутинди қўлим.
Киритмоқчимасман ўзгалар эсин,
Ҳар ким ўзи билар ўз юрар йўлин.

Сотволди СОДИҚОВ.
Фарғона вилояти Қува шаҳри

Фикр чаровон...

МУРУВВАТ ТИРИКЛИКДА БЎЛСА...

Ирисали ХИДИРОВ

Ҳамиджон ака катта шаҳарда кўп қаватли уйлардан бирида яшаса-да, асли қишлоқлик. Оиласи каттагина, тўрт фарзанди бор. Гавжум шаҳарда қисинибми ёки она қишлоғини қўмсабми, Ҳамиджон ака ҳар йили ёзда вилоятдаги ака-укаларининикига бориб, дам олиб келишни режалаштириб юради:

— Болаларни ҳам олиб кетаман. Соя-салқин ерларда мириқиб дам олиб келамиз.

— Қишлоқдагилар сизларни қандай кутиб олишаркин? Ҳар ҳолда уларнинг уйлари дам олиш масканлари эмас, — дея секин синовчан савол ташлаб қўяман унга.

У қизиша бошлайди:

— Албатта яхши кутиб оладилар-да. Шаҳардан жигарларимиз келибдилар, деб роса хурсанд бўлишади. Биз уларнинг ишларига қарашамиз. Мол-ҳол, экин-текин дегандай. Улар ҳам хурсанд, биз ҳам хурсанд. Ўша томонларда ака-укалар кўмагида кичкинагина уй солиш режам ҳам бор...

Аммо ёзда уларнинг қишлоққа сафари 3-4 кундан ошмас эди. Қўшнилар сўрайди:

— Ҳа, Ҳамиджон ака, нега кўпроқ вақт юриб келмадинглар?

Унинг нафаси ичига тушиб кетади, истамайгина жавоб қайтаради:

— Э, ҳар ким ўзи билан ўзи оввора. Уларнинг бугун бизлар билан гаплашишга ҳам вақтлари йўқ. Тирикчилик-да. Ишдан бош кўтаришмайди. Бизларнинг ёрдамимиздан эса кўнгиллари тўлмайди. Ишни унчалик дўндира олмаймиз-да... Ота-онанг ўтгандан кейин ўзинг туғилиб ўсган уйда ҳам бегонадек бўлиб қолар экансан...

Аммо Ҳамиджон ака кеч кузданоқ яна аввалгидек режа туза бошлайди: "Худо хоҳласа ёзда..."

...Бир неча йил бадалида бу оиланинг ёзда қишлоққа бориши деярли тўхтади. Ҳамиджон акани жигарлари йўқлаб шаҳарга келганларини ҳам ҳеч кўрмадик...

Фарзандлар улғайгани сайин катталашаётган рўзғор ташвиши-ю, диққинафас бетон уйда кечган ҳаёт таъсирими, Ҳамиджон ака кетма-кет инфаркт хуружидан тўсатдан вафот этди. Узоқдаги қариндош-уруғларни кутиб, жаноза маросимини кечиктиришга мажбур бўлдик. Ниҳоят, эртасига марҳумнинг ака-укалари етиб келишди. Улар тўрт нафар экан.

— Вой, жигарим! Сиздан эрта ажраб қолдик. Ғафлатда қолдик. Дийдорингизга тўймай қолдик. Бизни кечиринг... — дея ҳаммаёққа шовқин солиб, ёқаларини йиртиб-ла йиғлашарди бечоралар.

Одатда марҳум чиққан хонадон олдида яқин қариндош-уруғлар уч кун бел боғлаб туришиб, таъзияга келганларнинг билдирган ҳамдардликларини қабул қиладилар. Аммо Ҳамиджон аканинг ака-укалари нақд етти кун кўп қаватли уй йўлагининг эшиги олдида бел боғлашиб, қатор тизилишиб турдилар. Биз етти кун давомида, ҳар куни бир хил нарсани такрорлаш эриш бўлса ҳам, бино йўлаги олдидан ўтганда фотиҳа ўқиб, марҳумга нариги дунёда мағфират, орқада қолганларга чидам ва ҳидоят тилаб ўтишга мажбур бўлдик. Ака-укалар марҳумнинг биринчи пайшанбалик маъракасини "йигирмалик" сифатида ўтказишларини ва барча харажатлар ўзлари ҳисобидан бўлишини бутун маҳаллага овоза қилдилар. Маърака дарҳақиқат дабдабали ўтди. Маъракага тумонат одам келди. Эҳсон дастурхони ниҳоятда тўкин эди. Бу билан гўё Ҳамиджон акага бўлган ҳурмат ва меҳрибонликларини ифодаладилар, шекилли. Марҳумнинг ака-укалари уддабурон тадбиркорлар экани ҳаммага маълум бўлди. Ака-укалар саховати, меҳрибонлиги кўпчиликнинг оғзига тушди:

— Яқинларинг мана шунақа кунларда билинади. Баракалло, раҳмат уларга, акаларининг руҳларини шод қилмоқдалар.

Мен эса "Жигарларига шунчалик ҳимматлари бор экан, бугун ўлгандан сўнг руҳини эмас, тириклигида ўзини шод қилганларида, унинг кам-кўстига қарашиб, вақтида даволатиб, оғирини енгиллатишганда Ҳамиджон ака ҳали фарзандларининг бахти учун яшаб юрган бўлармиди? Неча йиллар давомида бир маротаба она қишлоғида мириқиб кўнгил ёзолмай ўтиб кетди бу дунёдан бечора. Агар Ҳамиджон ака бу ёруғ дунёда янада узоқроқ, бахтлироқ яшаганда ва бунда ака-укаларининг ҳиссаси бўлса, у оламдан ўтгач руҳи янада кўпроқ шод бўлмасмиди?.." — деб ўйладим.

Умуман олганда юқоридаги каби ҳолатга кўп жойда дуч келиш мумкин. Бетоб ёки ночор қариндошимизга ҳиммат кўрсатиш истаги кўп ҳолларда бизда ўша киши дунёдан кўз юмгандан сўнг уйғонади. Нега шундай ахир?! Маъракада ёзилган тўкин дастурхонимиздан марҳумга нима наф? Тўғри, жамоатга берилган эҳсоннинг савоби марҳумга тегади, лекин бу тадбирлар кўпроқ уни уюштирувчининг обрў-эътибор йиғишига қаратилгандек туюлади менга. Ахир марҳумга шу эътиборимизни, шу мурувватни, иззат-ҳурматни кўзи очиқлигида кўрсатган афзалроқ эмасми? Қолаверса, бунинг учун юзлаб кишига дастурхон ёзишга кетадиган сарф-харажатнинг ўндан, балки юздан бири ҳам кифоя қилади-ку!

Хуллас, Ҳамиджон аканинг руҳи покига аталган эҳсон тадбирдан кўнглим жуда хижил бўлиб қайтдим. "Ўлганида юз йил йиғлагандан кўра, тириклигида бир соат қўлла!" — деган аллома шоиримиз айтган ҳикматни эсладим. Менимча, бу ҳикмат айни кунда ҳам эскирмаган, долзарблигини йўқотмаган экан.



Таниқли шифокор-олим, тиббиёт фанлари номзоди Абдушукур Расулов узоқ йиллар давомида юртимиз тиббиёти ривожи йўлида изланишлар олиб боради. Республика саломатликни тиклаш ва физиотерапивтик даволаш илмий-тадқиқот институтида етукчи кардеолог шифокор сифатида фаолият юритаётган Абдумажид ака айни пайтда Президентимиз таклифи билан эълон қилинган Сиҳат-саломатлик йилидаги долзарб ва устувор вазифаларни амалга оширишга ўз ҳиссасини қўшиш ниятида.

***СУРАТДА:* шифокор-кардеолог, тиббиёт фанлари номзоди Абдушукур РАСУЛОВ.**

Ҳангомага ўхшайди-я!..

"УФ"ИНГДАН ЎРГИЛАЙ "УФ"...

Турсунбой БОЙМИРОВ

Ҳайитуф, Рамазонуф, Ашуруф, Сафаруф... Сизнингча бу "Уф"лардан қайси бирининг тоши оғирроқ? Ҳаммаси бир гўр дейсизми? Мен ҳам шундай деб ўйлардим. Аммо "Уф"лар ичида Худоёруфга тенг келадигани йўқ экан. Шу одамнинг обрўйи орқасидан тасодифан омад ва қувонч кўрганлардан бири, шахсан ўзимман.

Текшираётган ёзма иш дафтарларни бир чеккага қўйиб, пайпоқ тўқиётган хотинимга қарадим.

— Бевақтда дарвозани тақиллатган ким бўлди, хотин? Отанг бетоб эдилар...

— Чап қовоғим учиб турувди, — тиззасига шапатилади хотиним. — Отагинамни кўролмай, армонда қолдим чоғи...

Дарвоза тешигидан мўраласам бир нотаниш киши изидан қопаён ит қувиб келаётган аҳволда безовта турарди.

— Очинг-е, дарвозани. Тезроқ бўлинг, тезроқ.

У "Дамас" машинасини елдек учириб, ҳовлига киритиб олди.

— Биров кўриб қолмасин, Хўжаёр ака. Дарвозани беркитинг.

— Тинчлик-ми? Ҳалиги... Мен... Сиз... Бу... — пичирлаб сўрадим ҳалиги одамдан. — Мен ҳеч нарсага тушунмадим.

— Э-э, — қўлини қоқди у, — нимасини сўрайсиз. Алғов-далғов ишлар. Хўжалик тугатилиб, фермерликка айлантирилаяпти. Идоранинг борбути қўлма-қўл бўлиб, олган-олганники бўлаяпти. Худоёруф акага тегишли нарсаларни олиб келаяпман. Туширинг, туширинг... Қимирланг тезроқ.

Адашиб келиб қолганини айтмоқчи бўлувдим, оғиз очишимга имкон бермай, катта рангли телевизорни қўлимга тутқазди.

— Нима қиласиз мижғовланиб, — кифтимдан итариб юборди. — Таший бермайсизми боғини суриштирмай. Йигирма йилдан бери катталарнинг хизматини қилиб юрибман. Бир ҳафта олдин уйингизни кўриб, разведка қилиб кетувдим.

Телевизорни қўйиб, изимга бурилганимда қучоққа аранг сиғадиган икки ўрам палос ва қалин гиламларни тутқазди.

— Ҳаммаси янги, — паст товушда хириллади у. — Мана бу яшикда казо-казо одамлар келганида ишлатиладиган меҳмонхонанинг идиш-товоқлари.. Асл моллар...

Икки темир сандиқ, диван, кресло, тош ойна... Хуллас бир дунё нарсаларни тушириб бўлдик. Бир уй тўла мол бўлди. Чойга таклиф қилдим, кўнмади.

Хотиним билан ўйлаб ҳеч ўйимизга етолмадик. Ўттиз йил ишлаб рангли телевизор ололмаганимдан куюниб юрардим. Худо бераман деса...

Тонг отгунча кўзимга уйқу келмади. Бир қувонсам, бир хавотирга тушардим.

Икки кундан кейин ана шу "Уф!"нинг обрўйини синаб кўрмоқчи бўлиб, тиш касалхонасига телефон қилдим.

— Ким бу? — бошлиқларга хос вазмин овоз билан сўрадим. — Сарибойман, дейсанми? Нега энди Қорабой эмас Сарибойсан? Қўшниларинг ўрис бўлганми? — сенсираб эзмалик қилдим. — Хафа бўлма, ука. Маслаҳатим, отангнинг кимлигини билиб ол. Ҳа, майли. Мен Худоёруфнинг акасиман...

Сарибой дўхтир Худоёруф кимлигини биларкан шекилли, гапириш оҳанги бирдан ўзгарди. Хуллас у хотиним тишларини "шудоққа" қўйиб қўядиган, мен уни бир мавриди келиб қолганда Худоёруф акам билан таништириб қўядиган бўлдим.

Телефон гўшагини жойига қўйиб, бир керилиб олдим.

— Ким бўлсанг ҳам отангга раҳмат, Худоёруф!

Шу-шу ишларим юришиб кетди.

Ўғлим коллежни тугатиб, иш топмаганидан икки йилдан бери мол-ҳолнинг тагини кураклаб юрибди. Ўйлаб-ўйлаб туман солиқчиларининг бошлиғи қабулига бордим.

— Худоёруфнинг акасиман, денг, — ўрнидан туриб кетди у. — У кишининг суҳбатларида бўлишни ният қилиб юрибман.

— Гап йўқ! — ўша "Худоёруф" деганининг ўзидан ҳам баланд келдим. — Қишлоққа келса учраштираман. Ўғилча коллежни битириб ишсиз юрибди, ука. Шунга...

Устки лабини бурнининг оғзига қапқоқ қилиб, анча ўйланди, лекин ўғлимни ишга оладиган бўлди.

...Хотиним билан фикрлашиб, "Худоёруфнинг уйи" дейдиган уй қурмоқчи бўлдик. Бир ҳафтада уйнинг шиферини шиферга, ёғочини ёғочга ажратиб, текислаттирдим. Қурилиш фирмаси бошлиғининг олдига бордим.

— Худоёруфнинг акасиман! — сиполик билан ўзимни таништирдим. — Укамни танисангиз керак?

— Худоёруфлар ҳам, уларнинг акалари ҳам кўп, ака, — фирма бошлиғи юзимга тикилди. Мен кўзимни олиб қочдим. — Халқ таълими бўлимининг кадрлар бўйича бошлиғи, Чим бозорининг бошлиғи, газ ташийдиган шофёрнинг, товуқ қовуриб берадиган ошхоначининг фамилиялари ҳам Худоёруф.

Жойлашиброқ ўтириб, баланддан келдим.

— Нима, мени калака қиляпсанми, ука? Ўша, — кўрсаткич бармоғимни шифтга қаратиб найза қилдим, — улуғ одамнинг акасиман. Аммо, сен мен ўйлагандек бола эмас экансан.

— Кечирасиз, ака, — тавозе билан қўлини кўксига қўйди фирма бошлиғи. — Бир ҳафта олдин бирови келиб "Мен Худоёруфнинг акасиман" деганида юз дона шифер бериб юборгандим. Суриштирсак...

— Ҳа энди..., — гапим пойма-пой бўлди, — "машенник" одамлар кўп-да.

— Мана, ҳозирнинг ўзида сўраб билиб оламиз, — телефон рақамларини тера бошлади фирма бошлиғи. — Агар ўша Худоёруфнинг акаси бўлсангиз, сўраганингизни совға қилганим бўлсин.

Ишинг ҳамма вақт ҳам ўнгидан келавермас экан. Бирор кор-ҳол рўй бериб тураркан. Аста қўзғолдим... Хайр-хўшни насия қилиб, фирма бошлиғининг хонасидан чиқдим.

— Худоёруфдан ажралган бўлсангиз, — хотиним йўлга солди, — бошқа бир каттакон одамнинг тоғаси бўлинг. "Уф"ларнинг уруғига мита тушган эмас-ку?!

Суриштириб-суриштириб михдек бир "Уф"ни топдим. Юрган йўлимда "Салимуф жияним бўлади!" деган гапни тарқатиб юрдим. Орадан бир ойни ўтказиб, бошқа бир қурилиш фирмасига бориб, бошлиғига ўзимни таништирдим.

— Салимуфнинг тоғасиман! — дедим ўдағайлаб. — Беш тонна цемент, икки юз дона шифер бера оласанми?

— Бажонидил, — алюмин симидай букилди фирма бошлиғи. — Эртага эрталаб келинг.

Унинг хонасидан хурсанд бўлиб чиқдим. Тоза ҳаводан кўкрагимини тўлдириб нафас олдим.

— "Уф"ингдан ўргилай Салимуф!..

— Хўжайин, авдон суриштирдим, вовоси ўзимизнинг фалонча акамизнинг вовосига қуда бўлган экан. Ишга олмасак яхши бўлмаса керак-а?...

ҲИКМАТЛАР ХАЗИНАСИДАН БИР ШОДА ДУР...

Қадим замон файласуфи ва математик олими Пифагордан мерос қолган ушбу ўгитлар одамизот учун ҳамон қадрлидир...

**** Ҳашоратни ўлдирган фарзандингни жазола, чунки одам ўлдириш шундан бошланган!***

**** Мақтовга ҳам, танбеҳга ҳам бепарво бўл!***

**** Аҳмоқона орзулар аҳмоқона хатти-ҳаракатларга етаклайди!***

**** Дўст орттир! Чунки бир ўзинг ҳеч қачон бахтли бўла олмайсан. Бахт — икки кишининг насибасидир.***

**** Эй оқила аёл! Жуфти ҳалолим доимо ёнимда бўлсин десанг, у сендан кўрган ҳузур-ҳаловат, ноз-карашма, меҳр-муҳаббатни ўзга аёлдан кўрмасин.***

**** Шароб ичишдан ўзингни тийсанг, эҳтиросларингни жиловлай оласан.***

**** Жисминг руҳингнинг қабрига айланмасин!***

Диққат: обуна!

Халқ донишмандлиги, маҳалла иши намунаси, отахон ва онахонлар ҳаёт тажрибаси ойинаси, сизнинг содиқ йўлдошингиз — Mahalla дир.

Ф. МТ-1

Mahalla газета/журнал — 148 (нашр кўрсаткичи)

(нашр номи) | Комплектлар сони

йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга (почта индекси) (Манзилгоҳ)

Кимга (фамилияси, исми ва отасининг исми)

п.в. жойи — НАШРНИ ЕТКАЗИШ ВАРАҚАСИ 148 (нашр кўрсаткичи)

Mahalla (нашр номи)

Обуна баҳоси _____ сўм | Комплектлар сони

_____ йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга (почта индекси) (Манзилгоҳ)

Кимга (фамилияси, исми ва отасининг исми)

NOTE

Ҳурматли обуначилар! Ушбу квитанцияни обуна жараёнида сиз учун қулайлик яратиш мақсадида чоп этмоқдамиз. Квитанция варақасини кирқиб олиб ва уни тўлдириб, матбуот тарқатиш ёки алоқа бўлимида обунани расмийлаштиришингиз мумкин.

ЭЪЛОНЛАР

Утерянный аттестат АО 241836 выданный лицеем г.Ташкента в 2003 году на имя Василенко Светланы Вильевне считать недействительным.

Тошкент шаҳар М.Улуғбек тумани хокимлигида рўйхатга олинган "Насиба" хусусий фирмаси тугатилади. Даъво ва аризалар икки ой муддатда қабул қилинади. Тел: 45-67-16

Утерянный круглый печать и угловой штамп дочерного предприятия "QADRIYAT — TURON" Узбекского общества инвалидов считать недействительным.

МУНАЖЖИМЛАР ТАБИРИ

ҚЎЙ (21.03-21.04)
Бордию энг аҳамиятсиз, майда-чуйда нарсаларга ҳам эътиборли ва хушёр бўлсангиз, кунларингиз хотиржам ўтади.

СИГИР(22.04-20.05)
Олисда сафарда бўлган чоғингизда техника хавфсизлигига қатъий риоя қилсангиз, фойдадан холи бўлмайди.

ЭГИЗАКЛАР (22.05-21.06)
Бир неча кун кўтаринки кайфиятда юрасиз ва бу орада икки-уч кишига севги изҳор қилишга ҳам улгурасиз.

ҚИСҚИЧБАҚА (22.06-22.07)
Сизнинг қайсарлигингиз ва қўполлигингиз кўпчиликнинг таъбини хира қилиши мумкин. Иложи бўлса, оҳиста сўзланг.

АРСЛОН (23.07-22.08)
Зиммангизга имкониятингиздан ортиқ масъулиятни олишингиз оқибатида кунларингиз қандай ўтганини сезмай қоласиз.

ПАРИЗОД(23.08-22.09)
Харидларингиз орасида сизга умуман асқотмайдиган керексиз, устига-устак қиммат нарсалар бўлади.

ТАРОЗИ (23.09-22.10)
Оилавий можароларнинг олдини олишда энг мақбул йўл — турмуш ўртоғингизнинг айбини "сезмай" қолишингиздир.

ЧАЁН (23.10-22.11)
Сизга қарши фитна ёки туҳмат уюштиришлари мумкин. Қанчалик алам қилмасин, оғирроқ бўлинг, ҳаммаси ўтиб кетади.

ЎҚОТАР (23.11-21.12)
Сизни алдашга, "чув" туширишга интилганларни аяб ўтирманг, бўлмаса бундай ҳолатга такроран тушиб қолишингиз мумкин.

ТОҒ ЭЧКИСИ(22.12-19.01)
Яқин кунларда катта ва муҳим ишлар режасини тузмай турганингиз маъқул. Ишонинг, бунга қулай фурсат тезда келади.

ҚОВҒА (20.01-18.02)
Шуни унутмангки, яқин кунларда узоққа қилган сафарингиз сизга катта ташвиш келтириши мумкин. Иложи бўлса, умуман сафарга борманг.

БАЛИҚ (19.02-20.03)
Дам олиш кунлари оила даврасида дам олинг, ҳар қандай муҳим ишни кейинроққа, масалан, кейинги ҳафтага қолдиринг.

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, "Маҳалла" жамғармаси Республика Бошқаруви Тошкент шаҳар Собир Раҳимов тумани Оқсоқоллар кенгаши ва жамғарманинг туман бўлинмаси раиси Саидаҳмад Обидовга онаси **Башорат ая ОБИДОВА**нинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

"Mahalla" газетаси таҳририяти газетанинг Навоий вилояти бўйича мухбири Менглибой Муродовга жияни **Намоз ОРТИҚОВ**нинг бевақт вафот этгани муносабати билан таъзия изҳор этади.

Mahalla

Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

Таҳрир ҳайъати:

Аъзам ГАДОЙБОЕВ, Акмал САИДОВ, Ниғматилла АБДУЛЛАЕВ, Бобур АЛИМОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Расул РАҲМОНОВ, Мавлуда ҚОСИМОВА (бош муҳаррир ўринбосари), Бахтиёр РИЗАЕВ, Шуҳрат РИЗАЕВ, Беҳбуд ЖУМАЕВ, Таъна берди ҚУРБОНОВ, Эркин ҒУЛОМОВ.

Газета таҳририят компьютерларида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди. А-2, 2 босма тобоқ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Тошкент, Матбуотчилар кўчаси 32.

Телефонлар:
Қабулхона — 136-53-93.
Тел/Факс: — 133-44-25.
Масъул котиб: 136-53-75
Хатлар бўлими: 136-57-62.

8613 нусхада чоп этилди. Буюртма Г-024 Топширилди — 1 2 3 4 5